

2018



ISSN 2091-554-3

VETERINARIYA TIBBIYOTI



Ilmiy-ommabop jurnal

9 май – Хотира ва қадрлаш куні мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам тантанавор ўтказилди. Хиёбонлар, қариялар хонадони шу кун, ўша лаҳзаларда нурга тўлди, каттаю кичик аجدодлар хотираси олдида бош эгди, марҳумлар ёдга олиниб Қуръон оятлари тиловат қилинди. Фашизм балосига қарши курашларда қаҳрамонлик кўрсатган, не-не машаққатлар чеккан 40 нафардан ортиқ Жиззахлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳам Президентимизнинг шу йил 16 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонларига кўра, муносиб тақдирланди. Вилоят ҳокими Эргаш Солиев бошчилигида бир гуруҳ раҳбар ходимлар уруш фахрийларининг хонадонларида бўлиб, уларга Президентимиз табригини ўқиб эшиттиришди, юртбошимиз тўхфаси – қимматбаҳо қўл соати ва 5 миллион сўм пул маблағини топширдилар. Эътибору ҳурматдан мамнун бўлган қариялар дуога қўл очди. Улар кўзларидаги қувонч ёшларини яширмай, Президентимизга раҳматлар айтиб, юртга қут-барака тиладилар. Илоҳим, тинчлигимиз, тотувлигимизга кўз тегмасин, дедилар.



Таҳрир хайъати раиси

Б. Сайткулов – в.ф.н.

Таҳрир хайъати:

Ж.Азимов – академик
Б.Норқобилов – ДВҚ раиси
А.Орипов – профессор
Ҳ.Салимов – профессор
Б.Салимов – профессор
Р.Давлатов – профессор
Қ.Норбоев – профессор
А.Қахаров – профессор
Н.Дилмуродов – профессор
Ш.Жабборов – в.ф.н.
Н.Йўлдошев – в.ф.н.
Х.Ниёзов – в.ф.д.
А.Даминов – в.ф.д.
Б.Бакиров – в.ф.д.
Х.Бозоров – в.ф.н.
Б.Нарзиев – в.ф.н.
Ғ.Менглиев – в.ф.н.

Бош муҳаррир вазифасини
бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Мактуба МҶМИНОВА

Мусахҳиҳ:

Гулсара САЙИТҚУЛОВА

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария қўмитаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария қўмитаси,
«AGROZOOVETSERVIS»
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2018 йил 2 февралда
0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Таҳририят манзили: 100084, Тошкент
шаҳри, Халқобод 4-тор, 4-уй
Тел.: + (99895) 170-22-35
(0371) 234-77-22

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4460.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 12.05.2018.
Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп
этилди. 6,0 б.т. Буюртма № 257.
Баҳоси келишилган нархда.
© Veterinariya tibbiyoti, #5 (126) 2018

“SANO-STANDART” МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
100190, Широқ кўчаси, 100.

Айёмингиз муборак

А.Аликулов – II Ўзбекистон ветеринария конференцияси.....3

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Б.Норқобилов – Қутуриш касаллигига қарши курашиш
тадбирлари тўғрисида йўриқнома6Б.Сайткулов – Понятис о ветеринарно-санитарной
экспертизе8

Ветеринария тиббиёти

Юқумли касалликлар

Х.Салимов и др. – Проблемы эшерихиоза у птиц.....12

З. Шопулатова – Роль хламидий при пневмоэнтеритах телят..15

Х.Базаров, Ж.Нургалиевой – Экспресс – тест для
качественного определения антигенов *clostridium perfringens*
в фекалиях телят, поросят, ягнят, козлят.....17

Паразитар касалликлар

Ш. Абдурасулов – Метод полимеразной цепной реакции (ЦПР)
при бабезиозе крупного рогатого скота19

Юқумсиз касалликлар

А.Ромашко, В.Ерашевич – Кальций для несушек.....21

Маҳсулот ишлаб чиқариш

Б.Бакиров, О.Бобоев – Подани тўлдириш – биринчи
даражали вазифа.....23

Акушерлик ва гинекология

Б.Сайткулов – Акушерско-гинекологическая
диспансеризация коров и телок26

А.Собиров – Авитаминоз Е ёки бепуштликнинг келиб
чиқиш сабаблари29

Жарроҳлик

Б.Нарзиев ва бошқ. – Зотли бузоқлар орасида дабба
касаллигининг тарқалиши ва уни операция йўли
билан даволаш30

А.Рўзиев ва бошқ. – Отларда бўғимнинг асептик
яллиғланишлари этиологияси, учраш даражаси ва
клиник белгилари.....32

Фидойилик

Н. Шералиев – 70 ёш муборак, Ваҳобжон ака.....36

Н. Эргашев – Сизни унутиб бўладими, устоз?.....36

УДК:619;636.2

**Б.Д. Нарзиев, доцент, П.И. Зарипулласев, магистр,
Н.Б. Нарзиев, талаба,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини**


ЗОТЛИ БУЗОҚЛАР ОРАСИДА ДАББА КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА УНИ ЖАРРОХЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ

Аннотация

В статье приведены результаты исследования по распространению пупочных грыж среди высокопродуктивных телят их лечение и гематологические показатели.

Калит сўзлар: дабба, қурсоқ парда, тери ости, қорин бўшлиғи, киндик, гемоглобин, эритроцит, лейкоцит, инфильтрация, Ксиланит, 0,5 % новокаин, ревизия.

Дабба бу – қорин бўшлиғидаги органларнинг анатомик ёки патологик тешиклар орқали қурсоқ парда билан биргаликда тери остига тушишига айтилади (И.И. Магда ва бошқалар, 1990; Ҳ.Қ. Рустамов, Я.Оқбутаев, Б.Д. Нарзиев, 1997; В.С. Савельева, А.И. Кириленко, 2005).



Адабиёт маълумотларига кўра, даббалар ҳайвонлар орасида кенг тарқалган патология ҳисобланади, айниқса чўчқалар орасида 25%, шохли ҳайвонлар орасида 10-12 %, ит ва мушуклар орасида 5-7% ни ташкил қилади (К.И. Шакалов, 1981; Т.С. Кузнецов, 1982; Э.И. Веремей, 2000).

Даббалар келиб чиқиш сабабларига кўра туғма ва орттирилган бўлади. Туғма даббаларга ҳомила даврида нотўғри ривожланиши, наслдан-наслга ўтиши, шикастланишлар сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳайвонлар катталашган киндик ва чов канали тешиги билан туғилади.

Орттирилган даббалар ҳайвонларни ҳаёти даврида зўриқиши, нотўғри сақланиши, қорин бўшлиғида катта босимнинг ҳосил бўлиши, шикастланиши ва бошқалардан келиб чиқади.

Жойлашган жойига қараб даббалар: киндик, чов канали, уруғдон халта, қорин ёнбош, чов қисмлари, чот, сон, диафрагмал, умуртқа поғоналарига бўлинади.

Клиник белгиларига қараб даббалар: тўғри бўладиган, тўғри бўлмайдиган ва қисилганларга

Summary

The article presents the results of a study on the spread of umbilical hernias among highly productive calves for their treatment and hematological indices.

бўлинади. Охириги маълумотларга кўра, даббаларнинг келиб чиқиши бириктирувчи тўқимада коллагенни ҳосил бўлиш жараёнини бузилиши сабаб бўлиши мумкин (В.С. Савельева, А.И. Кириленко, 2005).

Даббаларни даволаш асосан жаррохлик йўли билан олиб борилади. Операция қилишдан мақсад дабба тешигини ёпишдир.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тажрибалар Самарқанд вилояти, Пайарик туманидаги, «Кўктепа Замин агро» чорвачилик фермер хўжалигига қарашли зотли бузоқларда олиб борилди. Бузоқлар орасида текшириш ўтказилганда 30 бош бузоқдан 5 тасида киндик даббаси борлиги аниқланди ва бу 16% ни ташкил қилди.




Теридан ажратилган дабба халтаси

Дабба касаллигини бузоқ организмнинг физиологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш мақсадида, операциядан олдин ва кейин қоннинг асосий кўрсаткичлари аниқланди. Барча бузоқлар операция ўтказиш йўли билан даволанди.

Операция техникаси

Умумий оғрикисилантириш учун 0,5 мл 100 кг тана вазнига ксиланит юборилади. Маҳаллий оғрикисилантириш учун 0,5 % новокаин эритмаси тери ва дабба халтаси оралиғига юборилади.



Дабба тешигини ёпиш

Операциядан олдин дабба билан касалланган ҳайвонлар 12-18 соат давомида оч ёки яримоч наркозда сақланади. Кесим ҳар хил усуллар билан олиб борилади, агар дабба халтаси катта бўлмаса, тўғри чизиқли кесим олиб борилади. Операция усули билан даббаларни даволашда тери кесилгандан кейин докали тампон ёки скалпелнинг орқа томони билан тери халтасидан дабба халқасигача ажратиб олинади. Тўғри бўладиган



кичик даббаларда халта ичига тушган органлар билан биргаликда қорин бўшлиғига юборилади ва тешикка тугунли ёки сиртмоқсимон чок қўйилади. Дабба халқаси ва халтаси кенгайган бўлса, бундай ҳолатда органлар қорин бўшлиғига юборилгандан кейин халта тешигига яқин жойда боғланади, халта текширилгандан кейин боғланган жойдан 2 см баландроғидан кесиб ташланади. Қолган тўмтоқ қисми қорин бўшлиғига юборилиб, дабба тешигига айлана ёки сиртмоқсимон чок қўйилади. Дабба тешиги ҳаддан ташқари катта бўлса аллопластик материалдан фойдаланиб, уни ёпиш мумкин. Операциянинг якуний қисмида ортиқча тери кесиб олиб ташланади, жароҳат қирралари тўғри кооптация бўлиши учун, терига узлукли тугунли

чок қўйилади. Теридаги чоклар 7-10 кундан кейин олиб ташланади.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Тажрибадаги бузоқларнинг бўйинтуруқ венасидан асептика ва антисептика қондаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда пробиркага 5 мл миқдорда қон олинди ва туман бирлашган шифохонасининг клиник таҳлилхонасида текширилди. Қуйидаги жадвалда киндик даббаси билан касалланган бузоқлар қонининг операциягача ва ундан кейинги кўрсаткичлари таҳлили берилган.

Жадвал.

Операциядан олдин

Ҳайвон тури	Сони	Гемоглобин	Эритроцит	Лейкоцит
Бузоқ	5	70.6±0,5	2.7±0,2	3.9±0.7

Операциядан кейин

Ҳайвон тури	Сони	Гемоглобин	Эритроцит	Лейкоцит
Бузоқ	5	73.3±0,5	3.6±0,2	4.8±1,0

Жадвал маълумотларига кўра, дабба билан касалланган бузоқлар қонининг операциягача кўрсаткичлари гемоглобин 70,6±0,5; эритроцит 2,7±0,24; лейкоцит 3,9±0,7ни ташкил этади. Бу физиологик кўрсаткичлардан бир оз кам эканлиги аниқланди. Операциядан кейин бузоқлар қонининг кўрсаткичлари кўтарилганлиги кузатилди, яъни гемоглобин 73,6±0,5; эритроцит 3,6±0,2; лейкоцит 4,8±1,0 ни ташкил этди. Бу эса организмнинг ҳимоя мослашув реакцияси ошганлигини ва шунинг ҳисобига жароҳат битиши тезлашишини билдиради.

Хулоса:

1. Киндик даббаси зотдор бузоқлар орасида кенг тарқалган бўлиб, 10-16 % ни ташкил қилади.
2. Бузоқларда учрайдиган киндик даббаларини даволаш асосан операция усули билан олиб борилади.
3. Дабба билан касалланган бузоқларнинг қонини текшириш организмни ҳимоя мослашув реакцияси ҳолатини кузатиб боришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Веремей Э.И. Частная хирургия животных. – Киев, 2000.
2. Кузнецов Г.С. Хирургические болезни животных. – Москва, 1982.
3. Магда И.И. ва бошқалар. Оператив хирургия. – М. 1990.
4. Рустамов Х.К. ва бошқалар. Оператив хирургия. – Самарқанд, 1997.
5. Савельева В.С., Кириленко А.И. Хирургические болезни. – Москва, 2005.